

ОПУБЛИКОВАТЬ СТАТЬЮ

в изданиях НИЦ "Социосфера"



[ПОДРОБНЕЕ](#)

СОЦИОСФЕРА


- Российский научный журнал
- ISSN 2078-7081
- РИНЦ
- Публикуются статьи по социально-гуманитарным наукам



[ПОДРОБНЕЕ](#)

PARADIGMATA POZNÁNÍ

- Чешский научный журнал
- ISSN 2336-2642
- Публикуются статьи по социально-гуманитарным, техническим и естественно-научным дисциплинам



[ПОДРОБНЕЕ](#)

СБОРНИКИ КОНФЕРЕНЦИЙ

- Широкий спектр тем международных конференций
- Издание сборника в Праге
- Публикуются материалы по информатике, истории, культурологии, медицине, педагогике, политологии, праву, психологии, религиоведению, социологии, технике, филологии, философии, экологии, экономике

Библиографический список

1. Чжан Дань, Цао Шуан. Основополагающая работа в изучении эстетики китайского танца – обзор Эстетики китайского танца // Китайский журнал образования, 2015.(05):114 р.
2. Сунь Линь. Влияние танцевальной эстетической мысли Дункан на развитие современного танца // Журнал колледжа Маомин, 2010.20(02):72-74 р.
3. Ши Хун. Современное состояние исследований и общее теоретическое построение системы эстетики танца // Искусство 100.2010. 26(04): 175–179 р.

ОИЛА – МАЬНАВИЯТ МАСКАНИ

Ч. А. Азимова

*Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий
фанлар катта ўқитувчиси,
Тошкент архитектура-қурилиши
институти,
Тошкент, Ўзбекистон*

Summary. This article analyzes the views on the family in Eastern sources, the ideas of educating the younger generation in the spirit of a healthy lifestyle and the formation of a harmoniously developed generation.

Keywords: spirituality; family; upbringing; duty.

Барчамизга маълумки, шахс маънавияти энг аввало оила муҳитида шаклланади. Бугун оилада қанақа муҳит ҳукмронлик қилаётган бўлса, эртага шу оилада тарбияланаётган фарзанд бевосита ана шу муҳитнинг давомчиси сифатида бунёд бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлод онги ва тафаккурининг кучи шундаки, у айнан ёшлиқ даврида ён-атрофдан олган таассуротларини хотирасида сақлаб қолади. Оиладаги одоб-ахлоқ нормалари, ўзаро муносабат қанчалик юксак бўлса, у муҳитда вояга етаётган фарзанд ҳам шунга монанд бўлади. Шу маънода биз оилани ҳақиқий маънавият ўчоги, мафкуравий тарбия омили ва муҳити деб эътироф этишимиз мумкин. Миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён отабоболар ўгити, она меҳри орқали амалга ошади.

Асрлар мобайнида сақланиб келаётган оиланинг муқаддас анъаналари орқали Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўнималари шаклланади. Зеро, ҳар бир шахс оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватанини оstonадан бошланишини тушунмасдан туриб, мукаммал инсон саналмайди.

Патриархал оила Марказий Осиё халқларида оиланинг энг дастлабки тарихий шакли ҳисобланган. Бу оила айни замонда жамиятнинг асосий

ишлаб чиқариш жамоаси ҳам бўлган. Шунинг учун оилавий муносабатларга, ҳар бир оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор берилган. Марказий Осиёда патриархал оила эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларда вужудга келган. Аста-секин ўша даврларда кичик-кичик оилалар вужудга кела бошлаган. Кичик оилалар вужудга келиши билан никоҳнинг шарт-шароитлари ҳам ўзгариб борган.

Оилавий муносабатларга шарқда ўтмишдан бошлаб улкан аҳамият берилиб келган. Зардустийлик динида оилавий бурч ҳамда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Кўп йиллар давомида Зардустийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» устида тадқиқот олиб борган Ҳ.Хомидов ўша даврдаги оилалар тўғрисида шундай деб ёзади: “Эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни қопга солишиб калтаклашган. “Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла икки-уч тукқан аёллар мукофот олишга сазовор, деб ўқтирилади” [1, б. 93–94].

Бизнинг юртимизда азалдан оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор берилиб келган. Умуман олганда, Марказий Осиёда аёлларга қадимдан катта ҳурмат билан қаралган. Аёллар жамиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланишган. Геродотнинг «Тарих» номли асарида ватанпарвар аёл Тўмарис ҳақида келтирилган тарихий маълумот бунга ёрқин мисол бўла олади. Турон аҳолиси Тўмарис бошчилигида босқинчи Кайхусрав армиясига зарба беради [2, б. 320].

Бошқа бир қадимги грек тарихчиси-Элион қолдириган маълумотга кўра, Марказий Осиёдаги йирик қабилалардан бири бўлган сакларнинг одатлари бўйича уйланишни истаган ҳар бир йигит ўзи уйланмоқчи бўлган қиз билан ер ости уйида кураш тушиши шарт бўлган. Бу курашда ғалаба қилган тақдирдагина уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Демак, бу ерда кураш ўзига хос тарзда никоҳ вазифасини бажарган.

Марказий Осиё халқларининг машҳур достонлари – «Ўғузнома», «Алпомиш» ва «Манас»ларда никоҳ билан боғлиқ одатларда, йигитнинг жисмоний қобилияtlарига ва уни синаб кўришга алоҳида аҳамият берилган. Йигитнинг қизга муносиб ёки муносиб эмаслигини аниқлаш учун талабгорларнинг ўзаро от пойгаси, камонда нишонни уриши, узокқа ўқ узиши, кураш каби рақобатчилик шаклларидан ҳам фойдаланилган. Шунингдек бу танлов «Қиз қувлаш», «Тортишмачоқ» кабиларда ҳам ўз ифодасини топган.

Маълумки бугунги кунгача никоҳий муносабатларда айрим удумларимиз хануз сақланиб қолган. Бунга мисол қилиб совчиликларга бориш, унаштириш, таништириш маросимлари, тўй-тантана, чаллов

удумларини кўрсатиш мумкин. Жамиятимиз ривожланган сари удумларимиз ҳам такомиллашиб бормоқда [3, б. 444].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёш авлодда ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш учун оила ўзига хос аҳамиятга эга. Шу сабабли айнан шарқда оила институтларининг Ғарбга нисбатан мукаммал ривожланган деб айта олишимиз мумкин. Чунки, бизнинг урф-одатларимиз, қадриятларимиз, анъаналаримиз оила институтларининг сақлаш билан биргаликда, барқарор ривожланиб боришини ҳам таъминлайди.

Библиографик рўйхат

1. Ҳ. Ҳомидов, «Шоҳнома» нинг шуҳрати, «Ўзбекистон», 1991, 93-94 бетлар.
2. Қосимов, Бегали. Уйғонган миллат маърифати/Б. Қосимов; тўпловчилар: С. Аҳмедов, Р. Қўчқоров; масъул муҳаррир Р. Қўчқоров. – Тошкент: “Маънавият”, 2011.- 320 б.
3. Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / тўпловчилар: З. Исломов, Ш. Шожалилов. Масъул муҳаррир Р. В. Абдуллаев. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2009. – 444 б.






СРОЧНОЕ ИЗДАНИЕ МОНОГРАФИЙ И ДРУГИХ КНИГ

*Два места издания Чехия или Россия.
В выходных данных издания
будет значиться
Прага: Vědecko vydavatelské
centrum "Sociosféra-CZ"
или
Пенза: Научно-издательский
центр "Социосфера"*

РАССЧИТАТЬ СТОИМОСТЬ

- Корректура текста
- Изготовление оригинал-макета
- Дизайн обложки
- Присвоение ISBN



У НАС ДЕШЕВЛЕ

- Печать тиража в типографии
- Обязательная рассылка
- Отсылка тиража автору